

**Франция тараққиёти агентлиги иштирокидаги “Навоий вилояти
Кармана туманида оқова сув тизимларини қуриш”**

лойиҳаси бўйича

МАЪЛУМОТ

(01.04.2025 йил ҳолатига)

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-171 қарори.

Қарз битими: 2022 йил 25 мартда имзоланган.

Қарз битимини якунланиш муддати: 2028 йил 10 октябрь.

Кредит қиймати: 25,2 млн долл. (24,7 млн евро)

Амалга ошириш муддати: 2022 - 2027 йй.

Амалга ошириладиган асосий ишлар:

- 9 800 м³/сутка қувватли 1 та оқова сув тозалаш иншооти қуриш;
- 138,5 км оқова сув тармоқларини қуриш;
- 12 та насос станцияси қуриш.

Эришиладиган натижа: Кармана туманида 14 та МФЙда истиқомат қилувчи 54,9 минг нафар аҳолининг 49,4 минг нафари илк бор оқова сув хизмати билан таъминланади. Қамров даражаси 90 фоизга етказилади.

Консультант:

Батафсил лойиҳалаш, лойиҳа смета ҳужатларини ишлаб чиқиш ва қурилишларни муаллифлик назоратини амалга ошириш “SAFEGE Ankara ва TUMAS” (Туркия)

Бажарилган ишлар:

- 2022 йилнинг 20 июнда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) лойиҳаларини бошқариш гуруҳи филиалиташкил этилди.
- Батафсил лойиҳалаш, лойиҳа смета ҳужатларини ишлаб чиқиш ва қурилишларни муаллифлик назоратини амалга ошириш (SDP/QCBS/02).
2 босқичли тендер савдолари якунлари билан 2024 йил 31 январда Туркиянинг SAFEGE Ankara ва TUMAS консорциуми билан 2 412 375 евролик шартнома имзоланган (2 та лойиҳа доирасида). 21 феврал куни шартнома Инвестициялар, саноат ва савдо

вазирлигида рўйхатга олиниб, 2024 йил 29 февралдан кучга кирган. Шартнома муддати **18 ой**. 2024 йил 7 мартда лойиҳа консултантга **482 475 евро** аванс тўловларини амалга ошириш учун ФТАга сўров юборилган. 2024 йил 26 март куни лойиҳа консултантга аванс тўлови ФТА томонидан тўлиқ ўтказилди.

Консультант томонидан бирламчи ҳисобот тайёрланди. Лойиҳани ТИАлари танқидий таҳлил қилиниб ФТАга юборилди. Бундан ташқари шартномага асосан консультант томонидан:

SDP/RFB/04 пакетлари (тармоқлар) бўйича батафсил лойиҳалаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

SDP/RFB/03 пакети (КОС) бўйича концептуал лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Жорий ҳолати:

- **Туркиянинг SAFEGE Ankara ва TUMAS консорциуми томонидан шартномага асосан қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:**
SDP/RFB/04 пакетлари (тармоқлар) бўйича батафсил лойиҳалаш ва лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини олиб борилмоқда.
SDP/RFB/03 пакети (КОС) бўйича концептуал лойиҳаси ишлаб чиқилди, бугунги кунда концептуал лойиҳасини келишиш ишлари олиб борилмоқда.
- **Махсус техника сотиб олиш (SDP/RFB/08)** (2 та АБР машинаси, 3 та вакуум машинаси, 2 та самосвал, 2 та эксковатор) бўйича **техник топшириқ** ишлаб чиқилди, бугунги кунда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тендерга 2024 йил 22 июль куни эълон берилди. 2024 йил 20 сентябрда тендер иштирокчиларини таклифлари очилди, таклифларни баҳолаш ҳисоботи 16 октябрда ФТАга келишиш учун юборилди. 18 ноябрда ФТА билан ва 21 ноябрда ҳарид комиссиясида баҳолаш ҳисоботи тасдиқланди, 2 декабрда техникаларни етказиб берувчи компания билан шартнома олди келишувлар ўтказилди. Ҳозирда шартномани лойиҳаси ФТА билан келишилиб, шартномани Навоий сув таъминоти буюртмачи сифатида имзолаши учун, шартномага ўзгартиришлар киритилиб имзолаш жараёни олиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган пакет (лот)лар бўйича маълумот.

Қурилиш ишлари қиймати **21,2** млневрони ташкил этиб, жами **2** та пакет доирасида амалга оширилиши режалаштирилган. Булар:

1-пакет (SDP/RFB/04). Кармана туманида оқова сув насос станцияларини қуриш, оқова сув тармоқларини қуриш.

Пакет қиймати – **11,6** млневро.

Пакет доирасида **12** таоқова сув насос станцияларини қуриш ва реконструкция қилиш, **138,5** км оқова сув тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Бугунги кунда батафсил лойиҳалаш ишлари консултант томонидан олиб борилмоқда. Шартномага асосан лойиҳани топшириш муддати **2025** йил **29** май.

2025 йил **июлда** тендерга эълон берилиб, икки босқичли ўтказилиши ва **2026** йил февраль ойида ғолиб компания билан шартнома имзоланиб шартнома бўйича ишларини бошлаш режалаштирилган.

2-пакет(SDP/RFB/03). Кармана туманида оқова сув тозалаш иншоотини қуриш.

Пакет қиймати – **9,6** млн евро.

Пакет доирасида кунлик **9,8** минг м³ қувватли оқова сув тозалаш иншооти қурилади.

Бугунги кунда иншоотни концептуал лойиҳаси ва тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, **жорий йилнинг 6 март куни икки босқичли тендер савдоларига эълон берилди.** 2025 йил 18 апрель куни таклифларни қабул қилиш режалаштирилган..

2025 йил тўртинчи чорагида ғолиб компания билан шартнома имзоланиб қурилиш ишларини бошлаш режалаштирилган.

Маълумот учун: Ўзбекистон ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида 2022 йил 25 март куни имзоланган қарз битимига асосан лойиҳа доирасида амалга ошириладиган барча тендер жараёнларини босқичлари ФТАнинг ҳалқаро қонун қоидаларига риоя этилиши ва ҳар бир босқич ФТА билан келишилиши белгилаб ўтилган. Шунинг учун қурилишларни лойиҳалаш ишларини тугатиб пудратчи ташкилотларни ёллаш учун тендерларни ўтказиб, қурилиш жараёнларини бошланиши 2025 йилнинг тўртинчи чорагига режалаштирилган.